

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ўзбекистон тарихи кафедраси

Қўлёзма ҳуқуқида

Муҳаммадов Сирожиддин Тохиржон ўғли

**Ўзбекистонда парламент тараққиётининг  
янги босқичлари (2000-2013 йй.)**

5120300 – «Тарих»

(минтақалар ва мамлакатлар бўйича) таълим

йўналиши бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Иш раҳбари: Ўзбекистон тарихи кафедраси  
катта ўқитувчи Х. Мўминов

**М У Н Д А Р И Ж А**

<b>Кириш .....</b>	<b>3-7</b>
<b>1. Ўзбекистонда олий давлат вакиллик органи - қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг шаклланиши ва унинг фаолияти (1991-1999 йй.).....</b>	<b>8-17</b>
<b>2. Ўзбекистонда парламент ислохотлари: икки палатали парламент тизими ва унинг фаолияти (2000-2013 йй.).....</b>	<b>18-38</b>
<b>3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг таркибий тузилиши: Сенат ва Қонунчилик палатаси ва уларнинг ваколатлари.....</b>	<b>39-51</b>
<b>Хулоса .....</b>	<b>52-54</b>
<b>Иловалар .....</b>	<b>55-59</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>60-63</b>

## Кириш

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлашга, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришга йўналтирилган чуқур сиёсий ислохотлар ўтказилди. Сиёсий ҳаётни тубдан янгилаш ишларининг моҳиятини англаш учун эски мустабид тузумдан қандай сиёсий мерос қолганини яна бир бор эслаш зарур бўлади.

Маълумки, 130 йил давомида Ўзбекистон сиёсий қарамлик, мустамлакачилик зулмини бошидан кечирди. Республикамиз бошқа собиқ Иттифоқ республикалари сингари ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан маҳрум этилган эди. Халқларнинг хоҳиш-иродасига эътиборсиз қолдирилиб, миллий давлатчилик инкор этилган. Кўплаб соҳаларда, хусусан сиёсий соҳада чекланишлар юз бериб, халқ ўз юртбошисини танлаш ва сайлашдан маҳрум этилди. Республика раҳбари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар бошлиқлари, ҳатто вилоят раҳбарлари ҳам «Марказ» томонидан тайинланарди, унга тўлалигича қарам эди. Оддий ижтимоий-иқтисодий, маънавий масалалар ҳам марказнинг рухсатисиз ҳал этилмас, мустақил фаолият юритишга уриниш ёмон оқибатларга олиб келар эди.

Собиқ Иттифоқ пойдевори маъмурий-буйруқбозлик бошқарув усулига қурилган, ўта мафқуралашган тоталитар тузум ўзининг ҳаётий эмаслигини, аҳолининг ўсиб боровчи эҳтиёжларини таъминлай олмаслигини аниқ кўрсатди.

Мустақиллик халқимизга ўз тақдирини ўз қўлига олиш, ўз тараққиёт йўлини ўзи белгилаш, миллий давлатчиликни тиклаш, демократик-ҳуқуқий давлат барпо этиш, мустақил ички ва ташқи сиёсат юритиш имкониятини яратди. Мустақиллик давлат бошлиғини, ҳокимиятнинг вакиллик органларини халқ томонидан демократик йўл билан эркин сайлаб қўйилишини таъминлади.

Мустақиллик яратган имкониятлар шарофати билан мамлакатимизда инсон манфаатлари, тинчлиги ва фаровонлигига хизмат қилувчи эркин, очик ижтимоий-сиёсий тузим барпо этишни таъминловчи чуқур, кенг камровли сиёсий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик шарофати билан ўзбек халқи ўз тақдирини ўзи хал қилиш, келажагини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлди. Ўтиш даврида Ўзбекистон ўзининг мустақил сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлини белгилаб олди. Демократик тамойиллар асосида Ўзбекистонда амалга оширилган туб ислохотлар натижасида давлат ҳокимиятининг турли тузилмаларида ўзгаришлар юз берди. Сиёсий соҳада, хусусан миллий давлат ҳокимияти органларини барпо этиш ва шакллантириш борасида катта ютуқларга эришди.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида давлат ҳокимияти органлари ичида қонун чиқарувчи олий давлат вакиллик органи – Олий Мажлиснинг ўрни ва аҳамияти каттадир. Тараққиётнинг машаққатли босқичларида республика сиёсий ҳаётини янгилаш ва демократлаштиришда Олий Мажлис ўзининг салмоқли ҳиссасини кўшди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, истиқлол йилларида тарихчилар томонидан Ўзбекистон тарихининг узоқ ва яқин ўтмиш тарихини яратиш, тадқиқ этиш билан бир қаторда мустақиллик даври тарихни яратиш масаласида ҳам кўплаб илмий изланишлар олиб борилди ва бу илмий тадқиқотлар ҳозирда ҳам давом этмоқда. Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Тарих хотираси халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди.

Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни

жонлантириб, янги фукаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда»<sup>1</sup>.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон тарихининг мустақиллик даври тарихини яратиш, унинг саҳифаларини бойитиш ва мазмунини кенгайтиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг фаолияти, унинг тараққиёт босқичлари масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мавзунинг долзарблиги ҳам шу билан белгиланади.

Ҳозирда мавзуга доир кўплаб юридик ва тарихий адабиётлар, вақтли матбуот материаллари, расмий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, уларда мамлакатимизда янги жамиятга ўтиш даврида сиёсий ислохотларнинг амалга оширилиши, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг шаклланиши, унинг тараққиёт босқичлари ва ҳуқуқий асослари каби масалалари ёритилган.

Мавзунинг назарий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари ва нутқлари<sup>2</sup> ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси<sup>3</sup> мавзунини ўрганишда асосий манба ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон парламенти - Олий Мажлиснинг фаолиятини белгилаш ва тартибга солиш бўйича кўплаб қонунлар ва қарорлар қабул қилинган бўлиб, бу ҳужжатлар расмий манба вазифасини ўтайди. Бунга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида», Қонун (1993 йил 28 декабрь);
2. «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги Қонун (1994 йил 22 сентябрь);

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б.140.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992; Ўша муаллиф. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. –Т.: Ўзбекистон, 1995; Ўша муаллиф. Ватан озодлиги — олий саодат. Асарлар, 8-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1999; Ўша муаллиф. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2000; Ўша муаллиф. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005; Ўша муаллиф. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. ва бошқалар.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1992-2014.

3. «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонун (1998 йил 30 апрель);
4. Ўзбекистон Республикасининг «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимиятини ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонуни (2002 йил апрель);
5. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонун (2002 йил декабрь);
6. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонун (2002 йил декабрь);
7. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун (2003 йил 24 апрель);
8. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Конституциявий Қонун (2003 йил 29 август, янги тахрир);
9. Ўзбекистон Республикасининг «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 194-сонли Қонуни (2008 йил 25 декабрь);
10. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни (2012 йил 23 март) каби қонунлар.

Мавзуни ўрганишда, уч китобдан иборат «Ўзбекистоннинг янги тарихи» асарининг учинчи китоби ҳисобланган «Мустақил Ўзбекистон тарихи»<sup>1</sup> муҳимдир. Бундан ташқари истиқлол йилларида яратилган бир қатор тарихий адабиётлар, хусусан, дарсликларидида<sup>2</sup> ҳам республикамизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотлар ва жараёнларда Ўзбекистон олий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.3. Мустақил Ўзбекистон тарих // Тузувчилар: Н.Жўраев, Т.Файзуллаев. - Т.: Шарқ, 2000; Jo'raev N. O'zbekistonnig yangi tarixi. K.3. Mustaqil O'zbekiston tarix. -To'ldirilgan, qayta nashr. -T.: 2009.

<sup>2</sup> Ўзбекистон тарихи // Масъул муҳаррирлар: Б. Эшов, М. Ҳайдаров/. -Т.: ЎАЖБНТ, 2003; Ўзбекистон тарихи: Қисқача маълумотнома // Масъул муҳаррир: Ҳ. Бобобеков /. -Т.: Фан, 2007; Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. -Т.: Янги аср авлоди, 2012; O'zbekiston tarixi: o'quv qo'llanma / Shamsutdinov R., Mo'minov X.; Mas'ul muharrir S. Inoyatov. -T.: Sharq, 2013.

вакиллик органи бўлган - Олий Мажлиснинг шаклланиши, фаолияти ва тараққиётининг тарихий босқичлари атрофлича ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, унинг таркибий тузилиши ва фаолиятидаги ислохотлар, қонун ижодкорлиги каби масалаларни ёритишда А. Саидов, Қ. Усмонов ва бошқаларнинг рисоалари<sup>1</sup> ҳам муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати фаолиятининг ташкилий асосларини таҳлил қилишда М. Шарифхўжаев ва Собиров И.М.ларнинг асарлари<sup>2</sup> муҳимдир.

Бугунги кунда республикада Internet-халқаро тармоғи кенг ривожланмоқда. Мавзу бўйича керакли маълумотларни излаб топишда тармоқнинг <http://parliament.gov.uz>; <http://www.lex.uz> ва бошқа веб-манзилларидан фойдаланиш мумкин.

---

<sup>1</sup> Саидов А. Конституция ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси. –Т.: ТДЮИ нашр., 2005; Усмонов Қ. Ўзбекистонда парламент тараққиётининг янги босқичи. –Т.: Ғ. Ғулом номидаги нашр., 2004.

<sup>2</sup> Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. –Т.: Шарк, 2005; Собиров И.М. Парламент юқори палатаси – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати фаолиятининг ташкилий асослари. –Т.: Ғ.Ғулом нашр., 2011.

## **1. Ўзбекистонда олий давлат вакиллик органи - қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг шаклланиши ва унинг фаолияти (1991-1999 йй.)**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инсон манфаатлари, тинчлиги ва фаровонлигига хизмат қилувчи демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни таъминловчи кенг қамровли сиёсий ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини танлаб, бозор иқтисодиётига ўтиш, халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатида жаҳон ҳамжамиятига кириш йўлини тутди. Президент И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида: «Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши керак», — деб кўрсатган эди. Айни чоғда сиёсий соҳада бу: «...Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчилиқни барпо этиш, жамиятнинг сиёсий тизимини давлат идораларининг тузилишини тубдан яхшилаш, республика ҳокимияти ҳамда маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, адолатли ва инсонпарвар қонунчилиқни вужудга келтириши мумкин»<sup>1</sup>, - деб таъкидлаган эди. Ана шу йўл-йўриқлар ва кўрсатмалар асосида мамлакатда муҳим ишлар амалга оширилди.

Сиёсий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири Ўзбекистонда қонун чиқарувчи олий давлат вакиллик органи – парламентни шакллантиришни таъминлашга қаратилган эди. Бунда халқаро тан олинган ҳуқуқий тамойилларга ва ривожланган давлатлар тажрибасига таянилди.

Ўзбекистан 1991 йил 1 сентябрда давлат мустақиллигига эришгач, давлат ҳокимиятининг энг муҳим институтларидан бири сифатида миллий парламентни ривожлантиришнинг сифат жиҳатидан янги босқичи бошланди. Миллий парламентаризмнинг энг янги тарихи умум эътироф этилган учта асосий даврга бўлинади.

Биринчи давр: 1991-1994 йиллар.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б.16.

Иккинчиси: 1995-2004 йиллар.

Учинчи давр: 2005 йилдан ҳозирги пайтгача<sup>1</sup>.

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қаланган пайтда 1990 йил 18 февралда сайланган қонун чиқарувчи ҳақимият органи - Олий Кенгаш фаолият кўрсатмоқда эди. У ўз фаолиятини бошлаган пайтда собиқ совет тузумининг қонунлари амалда бўлган. Мустақил Ўзбекистоннинг мустақал тараққиёти дастлаб ана шу қонунлар доирасида бошланди. Шундай бўлса-да Олий Кенгаш Ўзбекистоннинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган янги қонунчилик тизимини вужудга келтириш йўлидан борди ва уни қадам-бақадам шакллантира бошлади. 1990 - 1994 йилларда Олий Кенгаш 200 га яқин қонун, 500 дан зиёд қарор<sup>2</sup> қабул қилди, мамлакатимиз тарихида биринчи бор мамлакат Президентини сайлади, Мустақаллик Декларациясини қабул қилди, Олий Кенгашнинг Ўзбекистон Мустақллиги ҳақидаги тарихий қонунларни, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияни қабул қалганлиги ҳам юртимиз тарихидаги улкан ҳодисалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш шу каби бошқа қонун ҳужжатлари билан мамлакатда сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг кенг имкониятлари, аниқроғи, ҳуқуқий асосини яратиб берди.

Ижтимоий тараққиёт, мамлакатнинг ўзига хос ривожланиш йўлидан қатъий бориши, аввало, Ўзбекистонда Олий давлат ҳоқимиятларини ташкил этишнинг янги тамайилларини ишлаб чиқишни тақрзо этарди. Маълумки, янги Конституциянинг V бўлими давлат ҳоқимиятини ташкил қилиш тамайилларини ўз ичига олади. Шу бўлимнинг XVIII боби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини шакллантиришга бағишланган ва унинг 76-моддасида: «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи

---

<sup>1</sup> <http://parliament.gov.uz/uz/history/>

<sup>2</sup> О'zbekiston tarixi: o'quv qo'llanma / Shamsutdinov R., Mo'minov X.; Mas'ul muharrir S. Inoyatov. -T.: Sharq, 2013. -B.513.

хокимиятни амалга оширади»<sup>1</sup>, — деб мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, республикада бир палатали парламент — Олий Мажлисни шакллантиришга киришилди.

Ўзбекистонда Конституция талаблари асосида изчил равишда сиёсий ислохотлар амалга оширилди. 1993 йил 28 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XIV сессиясида бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида» қонун қабул қилди. 1994 йил 22 сентябрда эса Олий Кенгашининг XVI сессияси ўтказилиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида» қонун қабул қилди.<sup>2</sup> Булар қонунлар Олий Мажлиснинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Уларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган 250 нафар депутатдан (Ўзбекистон Республикасининг 1978 йилдаги Конституциясига биноан ўн иккинчи чақириқ Республика Олий Совети депутатларининг сони 500 кишидан иборат эди)<sup>3</sup> иборат бўлади, деб белгилаб қўйилди. Мазкур қонунларда Олий Мажлисга сайланиш ҳуқуқига сайлов куни 25 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари эгадирлар, бунда уларнинг келиб чиқиши, ижтимоий ва моддий ахволи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, фаолият тури бўйича ҳеч қандай чекланишларга йўл қўйилмаслиги қайд этилган. Шу билан бирга, судланган, сайлов тайинланган кунгача ўтган 5 йил мобайнида Ўзбекистон ҳудудида муқим яшамаган, ҳарбий ихтисосли, диний хизматчи фуқаролар депутатликка номзодлар рўйхатига олинмайдилар, деб белгилаб қўйилди.

Айни пайтда мазкур қонуларда Олий Кенгаш - Олий Мажлис деб номлаш асосида туб ислохотларни қонунчилик соҳасида амалга ошириш зарурияти кун тартибига қўйилади. Бунни қуйдагича изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, шу вақтга қадар Ўзбекистонда собиқ иттифоқ даврида

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 1992. -Б.23

<sup>2</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарих.-Т.: Шарқ, 2000. -Б.77.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат // Масъул муҳаррир А.Х. Саидов /. -Т.: Адолат, 1994. -Б. 101

кабул қилинган айрим қонун ва меъёрий ҳужжатлар ҳамон амалда эди, улардан бутунлай воз кечиш вақти етган. Чунки, мазмун ва моҳияти янгиланаётган давлат ва жамият учун мутлақо мос келмас ва ҳатто, янги жамият олдида турган туб мақсадларни амалга оширишга монелик қалар эди.

Иккинчидан, Ўзбекистон ўз олдида адолатли ҳуқуқий демократик давлат қуриш, тараққиётнинг бозор иқтисодиётига асосланган йўлидан бориш ва инсонпарвар фуқаролик жамиятини шакллантириш вазифасини мақсад қилиб олинган эди. Бу борада ривожланган мамлакатлар, шунингдек миллий озодлик ҳаракатлари орқали мустақалликка эришган ва тараққиёт йўлига кирган бошқа қатор давлатлар қонунчилик тажрибасидан фойдаланиш лозим эди.

Учинчидан, мустақил тараққиёт йўлида вужудга келаётган миллий-давлатчилик тизими ҳар қандай мафкўравий таъсирдан ҳоли, халқнинг ўзига хос тарихий, ахлоқий-маънавий ва руҳий қадриятларига мос бўлмоғи лозим эди.

Конституцияда белгиланганидек, бундай вазифани Олий Мажлис бажармоғи лозим эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил сентябрда бўлиб ўтган ўн олтинчи сессиясидан сўнг Ўзбекистонда янги қонун чиқарувчи орган Олий Мажлисни шакллантириш учун амалий чоралар кўрила бошлади. Сессия қарорига мувофиқ 1994 йил 25 декабрида Олий Мажлисга, вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига сайловлар белгиланди.

1994 йил 25 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига биринчи марта кўппартиявийлик асосида сайлов ўтказилди. Давлатнинг қонун чиқарувчи органига сайловлар Ўзбекистон тарихида биринчи марта кўппартиялик асосида бўлиб ўтди. Ҳар бир округ бўйича парламентдаги бир ўринга ўша пайтда рўйхатдан ўтган икки партия ва ваколатли ҳокимият органларида депутатликка номзодлар ўз номларини қўйдилар. Сайловчилар овоз беришда номзодларнинг фақат шахсигагина

эмас, балки уларнинг номларини депутатликка кўрсатган партияларнинг дастурлари, сайловолди платформаларига ҳам аҳамият бердилар. Сайловчилар биринчи марта номзодларни танлаб олиш имкониятига эга бўлдилар. Номзодлардан биронтаси ҳам етарли овоз ололмаган сайлов округларида 1995 йил 8 ва 22 январь кунлари қайта сайлов бўлди. Олий Мажлисга 250 депутат сайланди<sup>1</sup>.

Бу Олий Мажлис - янги Парламент\*ни демократик йўл билан шакллантиришнинг мамлакатимиз тарихидаги илк тажрибаси бўлди. 1995 йил 23-24 февраль кунлари янги сайланган Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» тўғрисида кенг қамровли маъруза қилди.

«Вакиллик хокимиятини вужудга келтиришнинг жаҳондаги энг демократик тизимларидан бири ташкил этилди. Ўзбекистон Парламенти — Олий Мажлис илк марта кўппартиявийлик асосида сайланди»<sup>2</sup>, - деди Президент И.А. Каримов. Сессияда парламентчиликнинг демократик асосларини янада ривожлантиришга эътибор берилиб, раҳбарият кенгайтирилиб раис ва тўрт кишидан иборат раис ўринбосарлари сайланди. Э.Х. Халилов яқдиллик билан Олий Мажлис раиси, Б.И. Бугров, Б.А. Шодиева, А.Қ. Қосимовлар ҳам бир овоздан раис ўринбосарлари қилиб сайландилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси вакили - Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков ҳам яқдиллик билан Ўзбекистон

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон тарихи: Қисқача маълумотнома // Масъул муҳаррир: Ш. Каримов /. -Т.: Шарқ, 2000. -Б. 349.

\* «Парламент» франсузча «парлер» – гапирмоқ сўзидан келиб чиққан бўлиб, расмий сўзлашиш жойи маъносини англатади. Парламент давлатнинг олий вакиллик органи ҳисобланади ва қонун чиқарувчи хокимиятни амалга оширади. Ўзбекистонда парламент –Олий Мадлис деб номланади.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Т.: Ўзбекистон, 1995. –Б. 6.

Республикаси Олий Мажлиси Раиси ўринбосари қилиб сайланди.<sup>1</sup> Қонунларни ишлаб чиқишнинг асосий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда Мандат Комиссияси ва 12 кўмита ташкил этилди. 1997 апрелда Олий Мажлис таркибида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) ташкил қилинганлиги ҳақида қарор қабул қилинди. Омбудсман жаҳондаги 85 дан ортиқ мамлакатда бўлиб, унинг ҳуқуқий ҳолатини аниқ равшан белгилаб берувчи конституциявий қонун Марказий Осиё давлатларида биринчи ҳуқуқий ҳужжатдир<sup>2</sup>.

Кўп партиялиликни қарор топтирар экан, Олий Мажлис парламентада барча масалалар турли блок ва фракцияларнинг ғоялари ҳамда фикрларини тақаслаб қуриш негизида ҳал этилажасига, сиёсий жиҳатдан ўзаро муроСага келиб ишлаш эса тамойил бўлажасига асосланди.

Олий Мажлис фаолиятини замон талаблари асосида ташкил қилишга йўналтирилган мана шу тадбирларнинг барчаси парламент ишини янада режали, ташкилий жиҳатдан пухта уюштириш имконини беради. Шунингдек сессияларнинг кун тартибини Олий Мажлис Кенгаши мажлисларида олдиндан муҳокама қилиш, сессияларга тайёргарлик қуриш ва уларни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳлари ташкил этиш тажрибаси кўмиталар ва комиссиялар фаолиятини янада аниқроқ уйғунлаштириш ҳам қонунларни ишлаб чиқиш ишининг сифатини оширишга хизмат қилди.

Ўтган давр шуни кўрсатдики, Олий Мажлис қабул қилаётган қонунлар сифатини оширишда уларнинг лойиҳаларини олдиндан матбуотда чоп этиб, умумхалқ муҳокамасидан ўтказиш ижобий самара берди. Қонунлар лойиҳаларини депутатларга олдиндан юбориш тартиби жорий қилинди ҳамда уларнинг таклифлари ва фикр-мулоҳазалари ҳар бир қонунни узил-кесил ишлаб чиқиш чорида албатта эътиборга олинадиган бўлди. Қонунлар лойиҳаларини назарий ва амалий жиҳатдан янада

---

<sup>1</sup> Халқ сўзи. 1995 йил 24 февраль.

<sup>2</sup> Ўзбекистон тарихи // Масъул муҳаррирлар: Б. Эшов, М. Ҳайдаров/. –Т.: ЎАЖБНТ, 2003. –Б.549.

теранроқ, пухтароқ ишлаб чиқиш мақсадида улар тегишли вазир-ликлар ва идоралар, концернлар, уюшмалар ва меҳнат жамоаларига юбориладиган бўлди. Халқаро ташкилотларнинг экспертизасидан ўтказиш йўлга қўйилди.

1995-1997 йилларда Олий Мажлис 100 га яқин қонун ва 120 дан ортиқ қарорлар қабул қилди<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўзининг шаклланиши, ўз фаолиятини ташкил этиш тартиботлари, иш юритиш мазмун-моҳияти билан янги, замонавий парламент бўлиб, аввалги Олий Кенгашдан бутунлай фарқ қилади. Биринчидан, мустақилликкача бўлган даврда Республика Олий Кенгаши расман Ўзбекистон давлат ҳокимиятининг олий органи деб ҳисобланса-да, у қонун чиқаришда мустақил эмасди, марказ томонидан қабул қилинган қонунларни Ўзбекистон шароитига мослаштирар эди, холос. Олий Мажлис эса мустақил Ўзбекистон давлатининг олий вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни мустақил амалга оширмакда. Олий Мажлис фаолиятида хорижий давлатларнинг парламентлари билан ҳамкорлик қилиш йўлга қўйилди. Иккинчидан, Олий Кенгаш сайловига ҳокимият органлари томонидан яқка-ю ягона номзод тавсия этиларди ва сайланарди. Олий Мажлисга эса депутатлар сайлови кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтказилади. Олий Мажлис вакиллик ҳокимиятини вужудга келтиришнинг жаҳонда эътироф этилган демократик тамойиллари асосида шаклланди. Учинчидан, аввалги сайловларда Олий Кенгашни шакллантириш жараёнида ишчилар, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларнинг ўрни ва сони олдиндан белгилаб қўйилар эди. Олий Мажлисга сайловларни ташкил қилишда синфий ёндашув нодемократик тамойил сифатида рад этилди. Олий Мажлис депутатлари турли партия ва ҳаракатларнинг вакилларидан иборат номзодлар орасидан муқобиллик асосида сайланади. Тўртинчидан, мустақилликкача бўлган даврда Олий Кенгаш профессионал парламент шаклида фаолият юритолмас эди. Унинг

---

<sup>1</sup> O'zbekiston tarixi: o'quv qo'llanma / Shamsutdinov R., Mo'minov X.; Mas'ul muharrir S. Inoyatov. –T.: Sharq, 2013. –B.516.

вазифаларини Олий Кенгаш Президиумига сайланган депутатларгина доимий ишлаб амалга оширадидилар, холос. Олий Мажлис фаолиятида эса депутатларнинг бир қисми доимий (профессионал) асосда ишламоқда. Депутатларнинг кўпчилик қисми эса олдинги хизмат вазифаларини депутатлик ваколати билан қўшиб олиб бормоқда. Олий Мажлис депутатлари ўз сайловчилари билан яқиндан алоқада ва мулоқотда бўлмоқда. Авваллари бу масалага унча эътибор берилмас эди. Депутатлар сайловчиларга Олий Мажлисида қандай қонунлар муҳокама қилинаётгани ва қабул этилаётгани ҳақида хабардор қилиб турмоқда, ҳаётнинг қайноқ нуқталарида аҳоли билан бирга бўлмоқда. Шунингдек, Республика оммавий ахборот воситалари ҳам Олий Мажлис фаолияти билан аҳолини таништириб бормоқда. Бу тадбирлар халқнинг ҳуқуқий маданиятини, сиёсий онгини юксалтиришга, ислохотларнинг собитқадамлик билан амалга ошишига, жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Олий Мажлис сессияларида хорижий мамлакатлар дипломатия корпусларининг, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, чет эл оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистонда аккредитация қилинган журналистлари ҳозир бўлмоқдалар.

Мустақиллик йилларида Олий мажлисининг халқаро парламент ташкилотлари билан алоқалари кенгайди ва чуқурлашди. Ўзбекистон Миллий парламент гуруҳи тузилди, республиканинг Парламентлараро Иттифоқдаги, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Парламент Ассамблеясидаги ва Европарламент билан алоқалар бўйича парламент гуруҳларининг раҳбарлари тасдиқланди. Олий Мажлис хайъатлари Парламентлараро Иттифоқ 93 ва 94 - конференцияларида иштирок этди<sup>1</sup>.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995-1999 йилларда 15 та сессия ўтказди. Сессияларда 10 та кодекс, 2 та миллий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. -Т.: Шарқ, 2000. –Б.86.

дастур, 145 қонун, 452 қарор қабул қилинди.<sup>1</sup> Амалдаги қонунларга жами 216 та қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Шунингдек, Олий Мажлис 70 та халқаро шартномани ратификация қилди (тасдиқлади), халқаро конвенцияларга қўшилиш тўғрисида 58 та қарор қабул қилди.<sup>2</sup>

Юқорида қайд этилган рақамлардан кўриниб турибдики, республика парламенти бир палатали бўлса-да, қонун чиқариш жараёни анча жадаллик билан борди. Биринчи галда ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган энг керакли қонунлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Натижада, мустақиллик муносабати билан дастлабки пайтда вужудга келган ҳуқуқий вакуум тезроқ тўлдирилди. Республика парламенти жамиятимизда сиёсий мувозанатни, тинчлик ва барқарорликни сақлаб туришда ишончли омил сифатида фаолият юритди. Қабул қилинган қонунлар туркумини уларнинг мазмунига кўра беш йўналишга бўлиш мумкин:

Биринчи йўналишга – Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, демократик ҳуқуқий давлат асосларини яратиш, давлат бошқарув тизимини янгилашга доир қонунлар киради.

Иккинчи йўналишга – инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситаларига доир қонунлар киради.

Учинчи йўналишга - ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш, бозор муносабатларини шакллантириш, мулкчилик, хўжалик юритишнинг янги механизмини яратишга доир ғоят фаол ривожланиб бораётган қонунлар киради.

Тўртинчи йўналишга - одамларнинг маънавий, ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришга, маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш муаммоларига, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига доир қонунлар киради.

Бешинчи йўналишига - Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларига,

---

<sup>1</sup> Усмонов Қ. Ўзбекистонда парламент таракқиётининг янги босқичи. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашр., 2004. - Б. 16.

<sup>2</sup> Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи (Миллий истиқлол даври). –Т.: Ўқитувчи, 2003. –Б.68.

ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятига, чет эллик сармоядорлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга доир қонунлар киради<sup>1</sup>.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг яқунловчи XV сессиясида Президент Ислон Каримов маъруза қилиб, унинг фаолиятига юксак баҳо берди: “Энг муҳими, биринчи чақириқ асосида ташкил топган парламентимиз фаолиятининг асосий мезони шундан иборатки, ўтган давр мобайнида кўппартиявийлик шаклланган, турли ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари сиёсат майдонига чиққан, турли ижтимоий тоифа ва табақалар вужудга кела бошлаган мураккаб бир шароитда, Олий Мажлис ҳокимиятнинг бошқа таррмоқлари билан ҳамкорликда жамиятимизда сиёсий мувозанатни, тинчлик ва барқарорликни сақлаб туришда ишончли омил бўлди”.<sup>2</sup>

Биринчи чақириқ республика Олий Мажлисининг 1999 йил 19-20 август кунлари бўлиб ўтган ўн бешинчи сессияси иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайловини 1999 йил 5 декабрь кунига белгилаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқда амалга оширган улкан ишларини яқунлаб, шуни алоҳида кайд этиш лозимки, парламент депутатларининг куч-ғайратлари билан мамлакатда демократик давлатнинг пухта ҳуқуқий асоси яратилди. Жамиятни бошқаришнинг мамлакатда тинчлик, барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролик тотувлигини таъминловчи янги тизими ана шу асосда кўрилгандир.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат // Масъул муҳаррир А.Х. Саидов /.-Т.: Адолат, 1994. –Б. 102.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Ватан озодлиги — олий саодат. Асарлар, 8-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1999. -Б.60.

## **Ўзбекистонда парламент ислохотлари: икки палатали парламент тизими ва унинг фаолияти (2000-2013 йй.)**

Мамлакатимиз мустақиллигидан бошлаб то 2005 йилнинг бошларига қадар республикада бир палатали парламент тизими амал қилди. Мазкур машаққатли ривожланиш даврида Ўзбекистон парламенти – Олий Мажлис юртимизда миллий давлатчиликни барпо этиш, демократик тамойилларни қарор топтириш ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш, умуман барча соҳаларда кенг кўламдаги ислохотларни ҳаётга тадбиқ этувчи қонунларни қабул қилди.

Халқаро ҳуқуқий тамойиллар ва ривожланган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда давр талаби билан сиёсий ислохотлар кенгайтирилиб, Ўзбекистонда бир палатали парламент тизимидан икки палатали парламент тизимига ўтиш йўлга қўйилди. Лекин бу жараён муайян даврни ташкил этди.

Маълумки, 1999 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кўппартиявийлик асосида сайловлар бўлиб ўтди. Сайлов бюллетенларига 5 та сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари ва ташаббускор гуруҳлардан 1010 нафар номзод киритилди. 66 та сайлов округида 19 декабрь куни такрорий сайловлар бўлиб ўтди. Қизгин сиёсий кураш асосида ўтган сайловларда 250 нафар депутат сайланди<sup>1</sup>.

Сайланган депутатлардан Ўзбекистон Парламентининг янги таркиби шаклланди. Маълумки, жаҳон миқёсида қарор топган халқаро андозаларга кўра, парламентда ўрин олиш учун кўраш олиб борган сиёсий партиялар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар сайловлардан сўнг мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органида ўз ғоялари ҳамда мақсадларини ифода этувчи ва ёқловчи депутатлик фракцияларини тузадилар.

Иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 22 январь куни бўлиб ўтган биринчи сессиясининг биринчи

---

<sup>1</sup> O'zbekiston tarixi: o'quv qo'llanma / Shamsutdinov R., Mo'minov X.; Mas'ul muharrir S. Inoyatov. –T.: Sharq, 2013. –B.516-517.

мажлисида ҳокимият вакиллик органларидан сайланган 110 кишидан иборат депутатлар блоки, Халқ демократик партиясидан сайланган 48 кишидан, «Фидокорлар» миллий демократик партиясидан сайланган 34 кишидан, «Ватан тараққиёти» партиясидан сайланган 20 кишидан, «Адолат» социал-демократик партиясидан сайланган 11 кишидан ва «Миллий тикланиш» партиясидан сайланган 10 кишидан иборат депутатлар фракциялари ҳамда ташаббускор гуруҳлардан сайланган 16 кишидан иборат депутатлар блоки рўйхатга олинди<sup>1</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаши лозимки, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳам бир палатали парламент сифатида шакллантирилди. Лекин 2000 йил 25 май куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида икки палатали парламент тузиш ғоясини илгари сурди. Бунда Президент И.А. Каримов ўзининг *«Ўзгариш ва янгиланиш - ҳаёт талаби»* номли маърузасида икки палатали парламент тузиш ғоясини илгари сурди. «Бизнинг жамиятимиз, - деган эди Ислом Каримов ўшанда, - тез суръатлар билан ўзгаришти. Одамлар маънавий улғайиш йўлида илдам қадам ташляпти. Бу - узоқни кузлаган сиёсатимиз, эзгу мақсад йўлидаги интилишларимиз натижасидир... Шу ҳолатларни назарда тутиб, мен доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиш таклифини қиритмоқчиман»<sup>2</sup>.

Бу демократик ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойилига мос равишда республика парламенти икки палатали асосда янада такомиллаштиришни назарда тутган ғоядир.

2001 йил 6 - 7 декабрь кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида икки палатали парламент тузиш масаласи муҳокама қилинди. Сессия икки палатали профессионал парламент фаолияти учун энг зарур бўлган омил -

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон тарихи: Қисқача маълумотнома // Масъул муҳаррир: Ҳ. Бобобеков /. -Т.: Фан, 2007. -Б. 381.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Асарлар, 8-том. - Т.: Ўзбекистон, 2000. -Б.482-483.

юқори малакали сиёсатшунослар, юристлар, иқтисодчилар корпуси шаклланиб етилганлигини, жамиятимизда ҳуқуқий маданият даражасининг ортганлигини инобатга олди ва парламентни икки палатали қилиб тузиш зарур, деган хулосага келди.

Икки палатали парламентни шакллантириш масаласи ҳаётнинг ўзидан, ҳокимият тармоқларини аниқ ажратиш асосида миллий давлатчилик институтларини янада мустаҳкамлаш заруратидан келиб чиқади. Бундан ташқари, ўз фаолиятини тугатган бир палатали Олий Мажлис икки палатали парламентга ўтишининг зарур ҳуқуқий асосларини яратди. *Бир палатали парламент: биринчидан*, Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш, миллий давлатчилигимиз ҳуқуқий асосларини яратиш; *иккинчидан*, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш; *учинчидан*, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш; *тўртинчидан*, миллатимизнинг асл маънавий қадриятларини, муқаддас ислом динимиз арқонларини, миллий удум ва анъаналарини тиклаш; *бешинчидан*, ҳаётимизнинг барча соҳаларида демократик ислохотларни чуқурлаштиришда самарали фаолият кўрсатди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, демократик мамлакатларнинг аксариятида парламент икки палаталидир. XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида икки палатали тизим парламентаризм тараққиётининг асосий тенденциясига айланди. XX асрнинг кейинги ўн йилликларида икки палатали парламентлар сони 45 тадан 70 тага кўпайди<sup>1</sup>. Бу кўрсаткичлар икки палатали парламентнинг аҳамиятини ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Икки палатали парламентнинг бир қатор ижобий томонлари бор: 1. Мамлакат минтақалари (вилоятлар, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси)нинг манфаатлари тўлароқ инобатга олинади; 2. Миллий

---

<sup>1</sup> Усмонов Қ. Ўзбекистонда парламент тараққиётининг янги босқичи. –Т.: Ф.Ғулом номидаги нашр., 2004. – Б. 8.

давлатчилик институтлари тизими ўртасида парламентнинг нуфузи ортади, қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти ўртасидаги муносабат мутаносиблашади; 3. Парламент қабул қилаётган қонунларнинг сифатини яхшилашга, халқнинг хоҳиш-иродасини тўлароқ намоён бўлишига имкон беради; 4. Парламент ишида демократик фикрлар хилма-хиллиги кўпроқ намоён бўлади; 5. Жамиятни либераллаштиришни тезлаштиради; 6. Депутатлар фаолиятини профессионаллашга, сиёсатчилар табақасини шакллантиришга кўпроқ имконият яратади.

Олий Мажлис 2002 йил 27 январь куни келгуси чақириқда икки палатали парламентни шакллантириш масаласи бўйича Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Референдумда овоз бериш бюллетенига «Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?» деган савол киритилди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказиш бўйича тегишли округ ва участка сайлов комиссияларини ўз вақтида ташкил этди. Референдум қатнашчиларига ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари учун барча имкониятлар яратилди. Референдум 2002 йил 27 январь куни кенг демократик асосда, очиқ ва ошқора, кенг жамоатчилик вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари кузатувчилари иштирокида бўлиб ўтди. Референдумда овоз берувчилар рўйхатига киритилган 13.266.602 нафар фуқароларнинг 12.113.070 нафари ёки 91,58 фоизи иштирок этди<sup>1</sup>.

«Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?» деган масала юзасидан овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11.344.242 нафари ёки 93,65 фоизи

---

<sup>1</sup> Jo'raev N. O'zbekistonning yangi tarixi. K.3. Mustaqil O'zbekiston tarixi. –To'ldirilgan, qayta nashr. –T.: 2009. –B. 103.

ёқлаб овоз берди<sup>1</sup>. Сайловчилар икки палатали парламент тузиш масаласини қўллаб-қувватладилар.

Референдум яқунлари халқимизнинг бир томондан, демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қуриш, эркин бозор иқтисодиётига ўтишдан иборат Ўзбекистон йўлини қўллаб-қувватлаётганлигини кўрсатди. Иккинчи томондан, ислохотларни изчил ва қатъиятлик билан давом эттириш ва янада чуқурлаштиришни катта умид билан кутаётганлигини билдирди.

2002 йил 4-5 апрель кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессиясида «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида» Конституцивий қонун ва «2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Референдумининг яқунлари бўйича амалга ошириладиган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида» қарор қабул қилди<sup>2</sup>. Бу ҳужжатлар бирпалатали парламентдан иккипалатали парламент тизимига ўтиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини 5 йилдан 7 йилга ўзгартириш қоидаларини мустаҳкамлади, парламент ислохоти билан боғлиқ бўлган бошқа муҳим масалаларга ойдинлик киритди. Ва у ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун асос бўла олади.

2002 йил 12-13 декабрь кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» Конституцивий қонунларни ҳамда уларни амалга киритиш тўғрисида қарорларни қабул қилди. Шунингдек, 2003 йил 24 апрельда «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш

---

<sup>1</sup> O'zbekiston tarixi: o'quv qo'llanma / Shamsutdinov R., Mo'minov X.; Mas'ul muharrir S. Inoyatov. –T.: Sharq, 2013. –B.518.

<sup>2</sup> Jo'raev N. O'zbekistonning yangi tarixi. K.3. Mustaqil O'zbekiston tarix. –To'ldirilgan, qayta nashr. –T.: 2009. –B. 103.

тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди<sup>1</sup>. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида тупланган парламентаризм тажрибаси, Ўзбекистон халкининг кадриятлари ва менталитетини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган мазкур қонунлар булгуси парламентимиз иккала палатаси ваколатларини ва фаолиятининг ташкилий шакллари аниқ белгилаб берди. Икки палатали парламент тузиш, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган ўзгартириш ва кўшимчаларнинг принципиал моҳиятини англаш муҳим ҳисобланади.

Бу ўзгартиришларнинг принципиал моҳияти Президент И.А. Каримовнинг 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритишга бағишланган маърузасида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

*Биринчидан*, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасида ваколатлар янада демократик ва мутаносиб равишда қайта тақсимланади. Ҳокимият тармоғининг ҳар бири ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустақил ҳолда амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар ва кафолатлар таъминланади. Парламентнинг жамият ҳаётидаги роли ортиб боради. Олий Мажлиснинг ҳукуматни шакллантириш, унинг фаолиятини назорат қилишдаги ваколоти кучаяди. Президент ваколатларининг бир қисми - давлат, суд тизими ва махсус хизматларнинг раҳбарларини, чет эллар ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик вакилларни тайинлаш ва тасдиқлаш Сенатга ўтказилади.

*Иккинчидан*, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддаси ўзгартирилди. Унинг «Ўзбекистон Республикаси Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади» дейилган қисми олиб ташланди. Бу ҳолат Бош вазирнинг, ҳукуматнинг ва бутун ҳукумат тузилмаларининг ваколатлари ва масъулиятини кучайтиради.

*Учинчидан*, Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий, профессионал асосда амалга оширади. Бу ҳол мазкур палатага

---

<sup>1</sup> <http://www.uzjobs.com/guest/zakon.cgi?lan=u&section=12&id=194>

сайланадиган депутатлар таркибини сифат жиҳатдан ўзгартиришга, уларнинг малака ва касб маҳоратига бўлган талабларнинг ортишига олиб келади. Қонунлар устидан ишлаш жараёни ҳам тубдан ўзгаради, уларнинг сифати ҳам яхшиланади. Қонунчилик палатасига депутатлар сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган рўйхатлар асосида ва фуқароларнинг ўз номзодини қўйиш йўли билан сайланади. Бу ҳол сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, фуқаролик ва нодавлат институтларининг ҳаётдаги ўрни, таъсири ва аҳамияти кучайишига имкон беради.

*Тўртинчидан.* Миллий парламент ҳар қайси палатасининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари Конституцияда аниқ белгилаб берилди, уларнинг мутлоқ ва биргаликда амалга оширадиган фаолият соҳалари аниқ, чегараланиб қўйилди. Қонуний асосда, конституциявий нуқтаи назардан белгилаб қўйилган бу ҳуқуқий ҳолат палаталар ишида бир хиллик ва бир-бирини такрорлаш эҳтимолини бартараф этишни таъминлайди.

*Бешинчидан.* Конституцияга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар жамият сиёсий ҳаётини фаоллаштириш учун муҳим омил бўлади, фуқароларда ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ўзлигини англаш туйғусини кучайтиради. Бу ҳолат фуқароларда ўзининг ўзи бошқаришнинг демократик тузилмаларида давлат ва мамлакат раҳбарияти олиб бораётган ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатга танқидий жиҳатдан холис баҳо бериш, фуқаролик ёндашув ва позиция шаклланишига кўмаклашади<sup>1</sup>.

Икки палатали парламентни сайлашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида юқоридаги қонунлардан келиб чиқиб, 2003 йил 29 августда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Ўтган давр мобайнида Қонунга уч марта (2004 йил 27 август, 2004 йил 3 декабрь, 2008 йил 25 декабрда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Усмонов Қ. Ўзбекистонда парламент таракқиётининг янги босқичи. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашр., 2004. – Б. 10-11.

<sup>2</sup> Парламент сайлови: миллий қонунчилик ва хорижий тажриба: илмий-амалий қўлланма. –Т.: 2009. –Б.6.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистонда икки палатали парламент дарҳол тузилмайди. Иккинчи чақириқ Олий Мажлис бир палатали парламент сифатида у сайланган муддатда 2000 - 2004 йилларда фаолият юритаверади. Шунини айтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис фаолиятининг иккинчи (1995-2004 йиллар) босқичда қонун ижодкорлиги депутатлар ишининг бош йўналишига айланди. Мазкур босқичда Олий Мажлис 240 та қонун, 778 та қарор қабул қилди, амалдаги қонун ҳужжатларига 1573 та ўзгартиш ва қўшимча киритди, 130 тадан зиёд халқаро шартнома ва битимни ратификация қилди<sup>1</sup>. Мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органи мазкур босқичда давлат суверенитетини, фуқаролар тинчлиги ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга, жамиятда демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга кўмаклашадиган қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишга интилдди. Натижада парламент мамлакатнинг демократик ва таракқиёт йўлидан мустақил ривожланиб боришининг ҳуқуқий негизини анчагина кенгайтди ва мустаҳкамлади. Мисол учун, биринчи чақириқ Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунларда, бошқа қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида асос солинган нормалар янада ривожлантирилди.

Парламент ислохотининг конституциявий асосларини ташкил этган қонунлар қоидалари яна бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий актлар билан янада ривожлантирилади. Яъни «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги)<sup>2</sup>, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти

---

<sup>1</sup> <http://parliament.gov.uz/uz/history/>

<sup>2</sup> «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2003. № 9-10, 132-модда.

тўғрисида»ги<sup>1</sup> ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги<sup>2</sup> ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида» ги, ва ниҳоят, «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги<sup>3</sup> қонунлар қабул қилиниши назарда тутилмоқди. Бу қонунларда мамлакатимизда икки палатали парламентни шакллантириш ва фаолиятининг зарур ҳуқуқий асослари яратилди.

Парламент назорати ҳам Олий Мажлис фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлди. Олий Мажлис кўмиталари ва комиссиялари қонунлар, конвенциялар, миллий дастурлар ижросини назорат қилиш тартибида ҳар йили 60 га яқин масалани кўриб чиқдилар. Бундай назорат Қорақалпоғистон Республикаси, мамлакатнинг барча вилоятлари, шунингдек Тошкент шаҳрини қамраб олди. Бир палатали Олий Мажлисининг назорат фаолиятини таҳлил этиш бир қатор қонуниятларни намоён этди. Биринчидан, мамлакат тараққиётининг янги босқичини ва ҳуқуқни татбиқ этиш амалиётини ҳисобга олган ҳолда муқаддам қабул қилинган қонунларни такомиллаштириш тамойили йил сайин кучая борди. Иккинчидан, қонун ижодкорлиги иши борган сари тармоқ тусини касб этиб, айрим соҳалардаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга интилди. Учинчидан, бир неча кўмита ва комиссияларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан тайёрланган ҳамда муҳокамага киритилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони ортиб борди<sup>4</sup>.

Хуллас, икки палатали парламентга ўтиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар киритиш

---

<sup>1</sup> «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2003. №» 9-10, 136-модда.

<sup>2</sup> «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2003. № 9-10, 137-модда.

<sup>3</sup> «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2005. №1, 12-модда.

<sup>4</sup> <http://parliament.gov.uz/uz/history/>

асосида амалга оширилган конституцион ислохотлар, шунингдек, юқорида тақидланган асосий конституциявий қонунлар қабул қилиниши натижасида Қонунчилик палатасига сайлов ўтказилиб, у икки босқичдан иборат бўлди. Сайлов ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, сайлов участкаларига бўлинган 120 та сайлов округи ташкил этди. Сайловнинг биринчи босқичи 2004 йил 26 декабрь куни ўтказилиб, 62 нафар халқ ноиб, 2005 йил 9 январда бўлиб ўтган иккинчи босқичда Қонунчилик палатасига 58 нафар депутат сайланди. Сайловлар ҳам Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, ҳам сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари кўрсатган депутатликка номзодлар иштирокида бўлиб ўтди. Сайловда қуйидаги сиёсий партиялар иштирок этди: Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ-демократик партияси, Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий-демократик партияси (2000 йилнинг июнида «Фидокорлар» партияси «Ватан тараққиёти» партияси билан бирлашган), Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, шунингдек Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси<sup>1</sup>.

2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди<sup>2</sup>. Қўшма мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов жамиятни демократлаштириш ва янгилашнинг, мамлакатни модернизация ва ислох этишнинг асосий вазифалари тўғрисида маъруза қилди. Ушбу дастуруламал маърузасида *«давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайгириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва*

---

<sup>1</sup> <http://parliament.gov.uz/uz/history/>

<sup>2</sup> [http://www.lex.uz/dictionary?word=ИККИ%20ПАЛАТАЛИ%20ТИЗИМ%20\(СИСТЕМА\)](http://www.lex.uz/dictionary?word=ИККИ%20ПАЛАТАЛИ%20ТИЗИМ%20(СИСТЕМА))

*барқарор мувозанатга эришишдан иборат»*<sup>1</sup>, - деб алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг давлатимиз бошлиғи томонидан олға сурилган устувор йўналишлари ҳамда аниқ мақсадли вазифалари асосида ишлаб чиқилган 2005-2009 йилларга мўлжалланган қонунчилик фаолияти дастурини қабул қилди.

2008 йилнинг 25 декабрида 194-сонли «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилинди<sup>2</sup>. 14-моддадан иборат бўлган бу Қонун - 2009 йил 1 июлдан кучга кирган. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши сайлов тизимини янада демократлаштириш, мамлакатни демократик янгилаш бўйича ислохотларимизнинг мантиқий давоми, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари одимларимизнинг изчил ва узвийлигини таъминлашнинг муҳим босқичи бўлиб хизмат қилади. Бу Қонун асосида амалдаги 13 та қонун ҳужжатларига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди<sup>3</sup>.

Ушбу Қонуннинг *3-моддасида* Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги 990-ХП-сонли Қонунига<sup>4</sup> жами 24 та банддан иборат бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Унинг биринчи банди, 1-моддасининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилди: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ...беш йил муддатга сайланадиган бир юз эллик депутатдан

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: Ўзбекистон, 2005. –Б.36.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2008 йил. 52-сон, 510-модда.

<sup>3</sup> <http://www.uzssgzt.uz/cgi-bin/main.cgi?lan=u&raz=6&god=2015&mes=5&id=3730>

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 518-П-сонли Қонуни таҳририда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси. 2003 йил. № 9-10, 132-модда; 2004 йил. № 9, 171-модда; 2005 йил. № 1, 18-модда.

иборат. ... Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади»<sup>1</sup>.

Шу билан бирга ушбу Қонунда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунига «*Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатларни сайлаш тартиби*» деб номланувчи янги 7<sup>1</sup>-боб киритилди. Унда Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш тартиби (**47<sup>1</sup>-модда**); депутатликка сайланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар (**47<sup>2</sup>-модда**); Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига депутатларни рўйхатга олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати (**47<sup>3</sup>-модда**); Ўзбекистон экологик ҳаракатидан депутатларнинг такрорий сайловини ўтказиш тартиби (**47<sup>4</sup>-модда**); бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш (**47<sup>5</sup>-модда**) билан боғлиқ бошқа масалалар белгилаб қўйилган<sup>2</sup>.

Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси 1-қисмига Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларини 120 нафардан 150 нафарга қўпайтиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилди. Бунда 135 нафар депутат ҳудудий сайлов округларидан кўп партиявийлик асосида сайланиши белгиланиб, сиёсий партияларнинг Парламентнинг қуйи палатасидаги вакиллиги кенгайтирилди. 15 та депутатлик ўрни, нодавлат ноижорат ташкилотларни бирлаштирган – Ўзбекистон экологик ҳаракатига ажратилди<sup>3</sup>.

2009 йил 27 декабрь ва 2010 йил 10 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. 2010 йилнинг

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2008 йил. 52-сон, 510-модда.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 510-модда.

<sup>3</sup> Алихонов Б.Б. Асосий ҳуқуқий ҳужжат атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда // Жамият газетаси. 2013 йил 22 ноябрь.

20 – 22 январиди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари сайланди. Шу йилнинг 22 январиди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери қилиб Дилором Гофуржонова Тошмухамедова сайланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари қилиб Бахтиёр Ёқубов (Ўзбекистон Либерал – демократик партияси фракциясининг раҳбари), Улуғбек Вафоев (Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг раҳбари), Улуғбек Муҳаммадиев (Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг раҳбари), Исмоил Саифназаров (Ўзбекистон «Адолат» социал – демократик партияси фракциясининг раҳбари), Борий Алихонов (Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи раҳбари) сайланди<sup>1</sup>.

2010 йилнинг 27 январиди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентимиз Ислоҳ Каримов «Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» мавзусида маъруза қилди<sup>2</sup>.

Ушбу маърузадаги устувор мақсадлар, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларига бағишланган мажлисидаги «Асосий вазиғамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини янада юксалтиришдир» деб номланган маърузаларида илғари сурилган мамлакатимизни янада ривожлантириш стратегияси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятининг сиёсий платформаси бўлди.

Қонунчилик палатаси давлатимиз раҳбари томонидан кўйилган вазиғалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2010 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурини

<sup>1</sup> O'zbekiston tarixi: o'quv qo'llanma / Shamsutdinov R., Mo'minov X.; Mas'ul muharrir S. Inoyatov. –Т.: Sharq, 2013. –В.520.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазиғамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Иқтисодиёт, - 2010. – Б.37.

ишлаб чиқди ва тасдиқлади. 2010 йилда Қонунчилик палатасининг 28 та мажлиси ўтказилиб, уларда 35 та қонун қабул қилинди ва Сенатга юборилди, шундан 29 таси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди ва кучга кирди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолиятида Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзuida маъруза муҳим аамият касб этди. Президент ўзининг маърузасида икки палатали миллий парламентимизни ташкил этиш масаласида қўйидагиларни таъкидлаб ўтди: «2002 йил 27 январда ўтказилган референдум яқунлари ва шу асосда **«Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»**ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислох қилишнинг асосларини белгилаб берди.

Бундан кўзланган асосий мақсадлар парламент томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш, қонун ижодкорлигининг сифатини жиддий равишда ошириш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишдан иборат эди. Бу борада таркиб жиҳатидан асосан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакилларида ташкил топган юқори палата – Сенатнинг ҳудудлар манфаатларини ифода этиши, қуйи – Қонунчилик палатаси эса ўз фаолиятини доимий профессионал асосда амалга ошириши ҳисобга олинганини айтиб ўтиш лозим»<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2010 йилдаги фаолияти тўғрисида Ахборот - <http://www.parliament.gov.uz/uz/events/chamber/2907>

<sup>2</sup> <http://www.lex.uz/library/127/>

Ушбу маърузада қуйидаги муҳим йўналишлар белгилаб берилди: 1. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш. 2. Суд-ҳуқук тизимини ислоҳ этиш. 3. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш. 4. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш. 5. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш. 6. Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.

2010 йил 30 декабрда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлар ушбу маърузасида баён этилган қоидаларни амалга ошириш юзасидан 2011 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ҳам ишлаб чиқилди. Ушбу Дастурнинг мақсади Ўзбекистоннинг миллий давлатчилигини ривожлантиришда янги босқични бошлаб берувчи «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни амалга ошириш юзасидан қонунчилик, ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни белгилашдан иборат бўлди<sup>1</sup>. Дастурда демократик ва ҳуқуқий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг энг муҳим йўналишлари сифатида юқорида кўрсатилган йўналишлар бўйича фаолиятини белгилади.

2011 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолиятида ўзига хос давр бўлди. Шу йилнинг 18 апрелида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилинди<sup>2</sup>. 8 – моддани ўз ичига олган бу ҳужжатда қуйидагилар белгиланди: **5-модда.** Ўзбекистон

---

<sup>1</sup> <http://www.parliament.gov.uz/uz/events/chamber/2908>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2011 йил. №16. 160-модда.

Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги 522-II-сонли Қонуни 22-моддасининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги тақдимномаси мазкур тақдимнома киритилган кундан эътиборан етти кун ичида Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди унинг учун Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг ярмидан кўпи овоз берган тақдирда Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Қонунчилик палатасида Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг кўпчилиги овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти барча фракциялар билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг Бош вазир лавозимига номзодни яна бир марта тақдим этиш ҳуқуқига эга...

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Қонунчилик палатаси томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Қонунчилик палатасини тарқатиб юборади.

Қонунчилик палатаси тарқатиб юборилган тақдирда янги сайлов тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ўтказилади»<sup>1</sup>.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги 523-II-сонли [Қонунига](#) куйидаги ўзгартишлар киритилсин: 1) [18-модданинг](#) матни куйидаги тахрирда баён этилсин: «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги тақдимномаси Сенат томонидан унинг яқин орадаги мажлисида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди унинг учун Сенат аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи овоз берган тақдирда Сенат томонидан тасдиқланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2011 йил. №16. 160-модда.

килади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади...

Сенат тарқатиб юборилган тақдирда янги сайлов тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ўтказилади»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси 2012 йилда ўзнинг фаолиятини «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида» белгилаб берилган жамиятни ва давлатни ривожлантиришнинг том маънодаги янги босқичида мамлакатни модернизация қилишнинг муҳим вазифаларини ҳал этишга қаратди. Ушбу Концепция ҳамда оила институтини жамиятнинг асоси сифатида мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгилаб берилган мақсадли вазифалар асосида тайёрланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2012 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишлари»дан келиб чиққан ҳолда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

I. Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, суд ва гуманитар соҳалардаги ислохотларни бардавом ривожлантиришни, жамиятни ислоҳ этиш, демократлаштириш ва эркинлаштиришнинг узоқ муддатли дастурларини самарали амалга оширишни, мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларини амалий жиҳатдан янгилашни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш.

Бинобарин, 2012 йилда Қонунчилик палатаси томонидан 30 та қонун қабул қилинди (2011 йилда – 38 та), бу қонунларнинг 9 таси Концепцияга мувофиқ тайёрланган. 28 та қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди ва кучга кирди. Бунда қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан – 6 та, Вазирлар Маҳкамаси томонидан – 19 та, Бош прокурор томонидан – 2 та,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2011 йил. №16. 160-модда; Қаранг: Халқ сўзи. 2011 йил 19 апрель.

бошқа қонунчилик ташаббуси субъектлари томонидан – 3 та қонун киритилди<sup>1</sup>.

Қабул қилинган қонунлар энг аввало, конституциявий ислохотларни мантиқан давом эттиришга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов қонунчилиги принциплари ва нормаларига, шунингдек Олий Мажлисга, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишда умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига сўзсиз риоя этилишини таъминлашга қаратилган. Хусусан, «Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида»ги Конституциявий Қонун ушбу вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган.

II. Қонунчилик палатаси фаолиятига қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини сезиларли даражада оширишга, уларни хорижий ва миллий экспертлар, олимлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, сиёсий партиялар электоратлари, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ва ижро этувчи органлари иштирокида муҳокама қилишни ташкил этишга доир ишларнинг янги шакллари ва усулларини жорий этиш.

Ҳисобот йилида 147 та конференция, семинар ва давра суҳбати ўтказилди, шу жумладан мамлакат минтақаларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик, либерал ислохотларни қонунчилик йўли билан таъминлаш, марказда ва жойларда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолатини яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини оширишнинг долзарб масалаларига бағишланган 50 та тадбир ўтказилган<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисида Ахборот

<sup>2</sup> <http://www.parliament.gov.uz/uz/events/chamber/9528>.

III. Ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан самарали парламент назоратини амалга ошириш, депутатлар назоратининг қонунда назарда тутилган шаклларида фойдаланиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга таъсир кўрсатиш.

IV. Мамлакат Давлат бюджетининг шакллантирилиши, қабул қилиниши ва ижро этилишининг бориши устидан самарали парламент назоратини амалга ошириш.

V. Мамлакатимизни демократлаштириш, унинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши, жамиятда миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни, барқарорликни таъминлаш, «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» принципини амалга ошириш борасида олдинга қўйилган мақсадларга эришишнинг ҳал қилувчи омили сифатида фуқаролик институтларининг шаклланиши ва ривожланишига кўмаклашиш.

VI. Парламент депутатларининг ўз сайлов округларидаги тизимли ишини ташкил этиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини, сиёсий фаоллигини, сайловчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини ҳал қилувчи масала, ҳуқуқий давлатнинг муҳим элементи ҳамда демократик ўзгаришлар ва жамиятни янгилашнинг ҳал қилувчи шарти сифатида ошириш.

VII. Ташқи сиёсий фаолият доирасида халқаро майдонда Ўзбекистон Республикасининг нуфузини янада оширишга, давлатимиз олдида турган бир қатор ташқи сиёсий вазифаларни ҳал этишга кўмаклашиш мақсадида парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш устувор вазифалар бўлди.

Ҳисобот даврида Қонунчилик палатасида 46 та чет эл делегацияси, шу жумладан, 27 та ҳукумат ва парламент делегацияси, элчихоналарнинг ва Ўзбекистонда аккредитация қилинган халқаро ташкилотларнинг 19 нафар вакили қабул қилинди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> <http://www.parliament.gov.uz/uz/events/chamber/9528>.

2013 йил 18 апрелда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Қонун қабул қилинди<sup>1</sup>. 2-моддадан иборат бўлган бу ҳужжатда Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги 522–II-сонли Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хуллас, икки палатали парламент ташкил этилгач, Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият ўз тараққиётида янги поғонага кўтарилди. Энг асосийси, гарчи қонунчилик жараёни анча мураккаблашган бўлса-да, қабул қилинган қонунларнинг сифати сезиларли даражада ошди. Қонунларни қабул қилишда сиёсий партияларнинг роли кучайди. Қонун лойиҳаларини партияларнинг фракцияларида олдиндан кўриб чиқиш, Қонунчилик палатаси ялпи мажлисларида ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда уларнинг фикрларини албатта эшитиш амалиёти шаклланди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013 йил. №16. 215-модда.

### **3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг таркибий тузилиши: Сенат ва Қонунчилик палатаси ва уларнинг ваколатлари.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг таркибий тузилиши, ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтиришнинг икки асосий йўналишини кўрсатиб ўтиш муҳимдир. *Биринчи йўналиш* - Президент ваколатларининг бир қисмини парламентнинг юқори палатаси - Сенатга ўтказиш. *Иккинчи йўналиш* - доимий асосда ишлайдиган қуйи - Қонунчилик палатасини шакллантириш, унинг ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов: «...ҳокимиятнинг ҳар бир алоҳида тармоғи - хоҳ у қонунчилик, хоҳ суд ҳокимияти бўлсин - уларнинг ваколатларини ўзгартириш нуқтаи назаридан амалга ошириладиган барча ислоҳотлар қонунчилик доирасида кечади»<sup>1</sup>, дея қайд этади.

Жамиятимизда сиёсий ислоҳотлар давом этиши ва давлат бошқаруви соҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг таркибий тузилиши ва унинг ваколатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳимдир. Ҳозирда ўзбек парламент – Олий Мажлиснинг расмий Internet-халқаро веб манзилида қуйидагилар берилган.

#### ***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси таркиби***

**1. Қонунчилик палатаси Кенгаши.** Қонунчилик палатаси фаолиятини самарали ташкил этиш, палата кўмиталари ишини мувофиқлаштириб бориш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини режалаштириш масаласини дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш мақсадида Қонунчилик палатаси Кенгаши тузилади. Кенгаш палата мажлислари оралиғида заруратга қараб тўпланади. Унинг таркибига Қонунчилик палатаси Спикери, унинг ўринбосарлари, фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг раҳбарлари, Қонунчилик палатаси кўмиталарининг раислари киради. Кенгаш ўз ваколатига кирадиган

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т-10. -Т.: Ўзбекистон, 2002. –Б. 184.

масалалар юзасидан аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилади.

**2. Қонунчилик палатаси девони.** Қонунчилик палатаси, унинг органлари ва депутатлар фаолиятининг ташкилий, ахборот, моддий-техника таъминотини Қонунчилик палатаси девони амалга оширади. Қонунчилик палатаси девони тузилмаси, штатлари, ходимларининг меҳнат ҳақи миқдори ва моддий-техника таъминоти, шунингдек уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар Қонунчилик палатаси Спикери томонидан тасдиқланади. Қонунчилик палатаси девони ходимларининг меҳнатга оид муносабатлари Қонунчилик палатасининг ваколат муддатига бўлиқ бўлмайди. Қонунчилик палатаси девони юридик шахс ҳисобланади. Қонунчилик палатаси девонининг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби Қонунчилик палатаси Спикери томонидан тасдиқланадиган Низомда белгиланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2005 йил 7 апрелдаги Қарори билан парламент қуйи палатасининг Девони тузилган. Қонунчилик палатаси Девони ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Қонунчилик палатаси, унинг Кенгаши қарорларига, Қонунчилик палатаси Спикерининг фармойишларига ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Девони тўғрисидаги низомга амал қилади. Қонунчилик палатаси Девонининг асосий вазифаси - палата ўзининг конституциявий вазифаларини бажариши учун зарур шароитларни яратишдан, бошқача қилиб айтганда, палата фаолиятини ташкилий, ахборот, моддий-техника таъминотини амалга оширишдан иборат. Девон Спикерининг, унинг ўринбосарларининг ва бевосита Девон Раҳбарининг бошчилигида ишлайди<sup>1</sup>.

**3. Фракциялар.** Қонунчилик палатаси депутатлари сиёсий, профессионал ва бошқа асосда фракциялар ва депутатлар гуруҳлари шаклида депутатлар бирлашмаларини тузиши мумкин. Фракция сиёсий

---

<sup>1</sup> <http://www.parliament.gov.uz/uz/structure>

партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

#### ***Фракция ва депутатлар гуруҳи:***

➤ Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар киритади;

➤ Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган ҳар бир масала юзасидан музокараларда фракция, депутатлар гуруҳи вакилига кафолатланган тарзда сўз берилиши ҳуқуқидан фойдаланади;

➤ келишув комиссияси ва бошқа комиссиялар тузиш тўғрисида масала кўяди;

➤ Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг тасарруфига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан мурожаат этади;

➤ Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фикрини Қонунчилик палатаси депутатлари ўртасида тарқатади;

➤ палатанинг Кенгаши, кўмиталари ва комиссиялари ишида иштирок этади;

➤ Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари ва бошқа қарорларнинг лойиҳалари юзасидан ўз таклифларини киритади;

➤ ҳукумат аъзоларини уларнинг фаолияти масалалари юзасидан эшитиш тўғрисида масала кўяди;

➤ фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фаолияти учун зарур материаллар ва ҳужжатларни давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан талаб қилиб олади;

➤ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган фракция парламентдаги кўпчиликни ташкил этади. Ўз дастурий мақсадли вазибаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузадиган бир нечта фракциялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ҳам парламентдаги кўпчиликни ташкил этиши мумкин. Янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган фракциялар, шунингдек сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини муҳолифат деб эълон қилиши мумкин. Фракцияларнинг блокка бирлашиши қонунда назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда уларнинг мустақиллигини чеклаб қўймайди. Ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган фракция қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Қонунчилик палатаси масъул қўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш;
- муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси баённомасига киритиш;
- Сенат томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиши.

Парламентдаги муҳолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламентдаги кўпчилик томонидан камситилиши мумкин эмас.

### **Ўзбекистон Қонунчилик палатасидаги фракция ва депутатлар гуруҳи:**

1. [Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг фракцияси](#)
2. [Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-Демократик партиясининг фракцияси](#)
3. [Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг фракцияси](#)

4. [Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фракцияси](#)

5. [Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи](#)

**4. Қўмиталар.** Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда палата томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар сайланади.

Қўмита раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари лавозимлари депутатларнинг қайси партия ёки гуруҳга мансублигини ҳамда сайловда сайловчиларнинг қанча овозини олганлигини инобатга олган ҳолда яхлит (умумий) қарор билан белгиланади. Қонунчилик палатаси қўмиталарининг барча аъзолари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Қўмита таркибига сайланмаган депутат унинг ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этишга ҳақли. Қонунчилик палатаси қўмиталари Қонунчилик палатаси олдида масъул ва унга ҳисобдордир<sup>1</sup>.

#### ***Қонунчилик палатаси қўмиталари:***

➤ ўз ташаббуси билан ёки Қонунчилик палатасининг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ҳамда ўзининг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан Қонунчилик палатаси бошқа қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқади;

➤ қонун лойиҳаларининг дастлабки тарзда кўриб чиқилишини ва уларни Қонунчилик палатасида кўриб чиқишга тайёрлашни амалга оширади;

➤ қонунларнинг лойиҳалари юзасидан хулосалар беради, қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг мажлиси кун тартибига киритиш, унинг устида ишлашни давом эттириш ёки асослангилган ҳолда уни рад этиш тўғрисида Кенгашга таклифлар киритади;

---

<sup>1</sup> <http://www.parliament.gov.uz/uz/structure>

➤ Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан хулосалар ва таклифлар беради;

➤ Қонунчилик палатасининг топшириғига ёки палата Кенгашининг тавсиясига биноан муайян қонун лойиҳаси ёки палата ваколатларига кирадиган бошқа масала юзасидан масъул бўлади;

➤ киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлари тузади, уларнинг таркибига давлат органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимларни, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини жалб этади;

➤ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари вакиллари улар томонидан киритилган қонун лойиҳасига тааллуқли масалалар юзасидан фикрларини эшитади;

➤ киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинаётган қарорлар матнига ўзгартиш ёки қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

➤ давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатларни, эксперт хулосалари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади;

➤ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда қўмиталарнинг қарорлари улар томонидан қандай бажарилаётгани ҳақидаги ахборотларини эшитади.

Қонунчилик палатаси қўмиталари ишни ўз режаларига, шунингдек Қонунчилик палатаси, унинг Спикери ва Кенгаши топшириқлари ҳамда тавсияларига мувофиқ ташкил этади. Қўмиталарининг фаолияти тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади. Уларининг мажлислари палата мажлислари оралиғида заруратга қараб ўтказилади. Қўмиталарининг мажлислари, агар уларда қўмита аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг давлат органларига юборилаётган қарорлари улар томонидан кўриб чиқилиши шарт.

***Қонунчилик палатасининг амалдаги қўмиталари:***

- [Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси;](#)
- [Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси;](#)
- [Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси;](#)
- [Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси;](#)
- [Халқаро ишлар ва парламетлараро алоқалар қўмитаси;](#)
- [Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси;](#)
- [Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси;](#)
- [Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси;](#)
- [Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси;](#)
- [Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси;](#)
- [Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси;](#)

**5. Комиссиялар.** Қонунчилик палатаси муайян вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузиши мумкин. Комиссия Қонунчилик палатаси мажлисида депутатлар орасидан комиссия раиси ва аъзоларидан, зарурат бўлганида эса, шунингдек комиссия раисининг ўринбосаридан иборат таркибда тузилади. Комиссия тузилгани тўғрисида Қонунчилик палатаси қарор қабул қилади. Қонунчилик палатасининг комиссия тузилгани тўғрисидаги қарорида комиссиянинг номи, мақсади ва вазифалари, унинг миқдорий ва шахсий таркиби, комиссиянинг раиси, комиссиянинг фаолият кўрсатиш муддати (олдиндан белгиланган муддатга ёки муайян вазифаларни бажариш муддатига), комиссиянинг ваколатлари, комиссия ишини таъминлаш бўйича тадбирлар белгиланган бўлиши керак.

Айрим масалаларни тайёрлаш учун комиссия давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг вакиллари орасидан ишчи гуруҳлари тузишга ҳақлидир.

Ҳозирда қуйидаги комиссиялар мавжуд:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси.

2) Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси<sup>1</sup>.

**6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси депутати.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайланган ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси депутат ҳисобланади. Депутат Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига сайланади. Депутат Қонунчилик палатасида доимий асосда ишлаши лозим ҳамда ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

Депутат тегишинча Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқиладиган барча масалалар бўйича ҳал қилувчи овоз ҳуқуқидан фойдаланади.

***Депутат:***

- палатанинги органларига сайлаш ва сайланишга;
- палата мажлисида кўриб чиқилиши учун масалалар таклиф этишга;
- палата мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинадиган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда бу масалаларнинг моҳияти юзасидан таклифлар киритиш ва мулоҳазалар билдиришга;
- қарор лойиҳалари ва уларга тузатишлар киритишга;
- палата томонидан тузиладиган органларнинг шахсий таркиби ҳамда сайланадиган, тайинланадиган ёки тасдиқланадиган мансабдор шахсларнинг номзодлари бўйича фикр билдиришга;

---

<sup>1</sup> <http://www.parliament.gov.uz/uz/structure>

- мунозараларда иштирок этишга, маърузачи ва раислик қилувчига саволлар беришга;
- парламент сўрови билан мурожаат этишга ва бошқалар<sup>1</sup>.

### ***Олий Мажлис Сенати таркиби:***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (юқори палатаси) ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, юзта Сенат аъзосидан иборат. Сенат аъзолари (сенаторлар) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлай, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади.

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сенат иши ялпи мажлисларга ва унинг қомиталари мажлисларига тўоланадиган сенаторлар фаолиятига асосланади Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Сенат аъзоси бўлиши мумкин. Айти бир шахс бир пайтнинг ўзида Сенат аъзоси ва Қонунчилик палатаси депутати бўлиши мумкин эмас.

Сенат ўзининг ваколатларига киритилган масалалар юзасидан, шунингдек палатанинг ички фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади. Сенат умумсиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа масалалар юзасидан баёнотлар ва мурижаатлар билан чиқиш мумкин, улар палатанинг қарори билан расмийлаштирилади.

---

<sup>1</sup> <http://www.parliament.gov.uz/uz/structure>

Сенат ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ўтказилади. Палаталарнинг келишувига мувофиқ қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Сенат Раиси Сенат таркиб топганидан кейинги биринчи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Сенат аъзолари орасидан яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Сенат ваколати муддатига сайланади.

Сенат Раисининг ўринбосарлари Сенат аъзолари орасидан яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Сенат ваколати муддатига сайланади. Сенат Раисининг ўринбосарлигига номзодлар кўрсатиш ва сайлаш тартиби Сенат Регламентида белгиланади.

Сенат фаолиятини самарали ташкил этиш, палата кўмиталари ишини мувофиқлаштириб бориш, кун тартиби юзасидан таклифлар тайёрлаш, қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш мақсадида Сенат Кенгаши тузилади.

Сенатда доимий асосда ишловчи Сенат аъзолари сенаторлик ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас. Айтиб ўтиш керакки, бир пайтнинг ўзида Сенат аъзоси (сенатор) ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати бўлиши мумкин эмас. Сенаторлик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини монеликсиз ҳамда самарали амалга ошириш кафолатлари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, бошқа қонунлар билан белгиланади.

***Сенат томонидан қонунларни кўриб чиқиш тартиби***

Қонун Сенатга Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинганидан кейин киритилади. Қонун Сенатга киритилаётганда қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

1. Қонунчилик палатасининг қонунни қабул қилиш тўғрисидаги қарори;
2. Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун;
3. Қонунга доир унинг контсептсияси баён этилган тушунтириш хати;
4. Қонун қабул қилиниши муносабати билан қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, шунингдек қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қонун;
5. Ўзгартирилиши, қўшимча киритилиши, ўз кучини йўқотган деб топилиши ёки қабул қилиниши лозим бўлган қонуности ҳужжатларининг рўйхати;
6. Моддий харажатлар талаб этувчи қонунлар учун молиявий-иқтисодий асос;
7. Давлат даромадларининг қисқартирилишини ёки давлат харажатларининг кўпайтирилишини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг моддалари бўйича ўзгартишларни назарда тутувчи қонунлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хулосаси<sup>1</sup>.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унга киритилган ўзгартиришлар, Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатаси тўғрисидаги Конституциявий қонунлар ва уларнинг Регламентлари ҳақидаги қонунлар парламент ваколатларини қонуний асосда белгилаб бериди.

Конституциянинг 76-моддасига кўра, «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади». Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан - Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат. Ўзбекистон Республикаси Олий

---

<sup>1</sup> <http://www.senat.uz/uz/about/index.html>

Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддатлари - беш йилдир<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, ушбу моддада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг моҳияти, функциялари ва ҳуқуқий табиати белгилаб берилган. Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органидир. Олий Мажлисни вакиллик органи сифатида тавсифлай туриб, у Ўзбекистон халқининг вакиллигини амалга оширишини таъкидлаш лозим. «Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин» (Конституциянинг 10-моддаси). Олий Мажлисида асосий сиёсий партиялар ва жамиятнинг таъсирга эга кучлари тақдим этилган.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи органидир. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи ҳокимиятини сиймолантиради, унга олий юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий актларни чиқариш вазифаси юкланган. У чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, яъни қонунлар, кодекслар бошқа бирор давлат органи томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Шу билан бирга, қонун чиқарувчи орган бўлмиш Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси давлат ҳокимиятининг ҳамма ваколатларига эга эмас. У суд ва ижроия ҳокимияти органларининг ўрнини босмаслиги, ўзининг конституциявий ваколатлари доирасидан чиқмаслиги ва бошқа давлат органлари мустақил равишда ҳокимиятни амалга оширадиган масалаларга аралашмаслиги шарт. Конституциянинг 77-моддаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг таркиби ва шаклланиш тартибини белгилаб берган. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси Ўзбекистон фуқаролари сайлайдиган 150 депутатдан ташкил топади. Конституциянинг 78-моддаси мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2014. –Б.25.

биргаликдаги ваколатлари берилган. 79-модда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг, шунингдек, 80-модда эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мутлақ ваколатлари белгилаб ўтилган. Шундай қилиб, қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтиришнинг зарур ҳуқуқий асослари яратилган. Эндиликдаги асосий вазифа Парламентнинг ваколат ва ҳуқуқларини ҳаётга изчил татбиқ этишдан иборатдир.

## Хулоса

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон ўз миллий давлатчилигини шакллантириш имкониятини қўлга киритди. Бу борада икки асосий вазифа: биринчидан, эски маъмурий буйруқбозлик тизимини, унга мувофиқ бўлган давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини тугатиш; иккинчидан, эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган миллий демократик давлатчиликнинг конституциявий, ташқилий-ҳуқуқий ва амалий асосларини яратиш хал қилинди.

Мустақил демократик давлатчиликни барпо этиш билан узвий равишда миллий ҳуқуқий тизим ҳам шакллантирилди. Ўтиш даврида Ўзбекистон парламента 400 дан зиёд қонунлар қабул қилди. Ҳуқуқий тизимнинг ўзагини истиқлол Қомуси бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади.

Ўзбекистон парламентининг қонун яратувчилик фаолиятида истиқлол йилларида қуйидаги ўзига хос тамойиллар намоён бўлмоқда:

Биринчидан, қонун ижодкорлигининг алоҳида бир янги шакли сифатида Миллий дастурлари, яъни ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурлари, ҳамда Миллий хавфсизлик концепцияси ва ҳарбий доктрина тўғрисидаги дастурлар қабул қилинди.

Иккинчидан, қонунлар янги тахрирининг қабул қилиниши. Олий Мажлис 1995 йилда «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахририни қабул қилди. Аслида, 1989 йилда қабул қилинган бу қонун муайян даражада ўз самарасини берди. У, авваламбор, ўзбек тилига нисбатан бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди. Шу билан бирга, бу қонун «қайта қуриш» инкирозга учраган давр руҳини ҳам ўзида акс эттирганди. Бундан ташқари, XX асрнинг 90-йиллари ўрталарига келиб давлат тилига бўлган муносабат 1989 йилдан катта фарқ қиларди. Шунинг учун, тубдан янги қонун эмас, балки амалдаги қонуннинг янги тахрири қабул қилинди. Шу йўл билан қонун давр талабларига мослаштирилди. Бу анъана давом эттирилиб, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар

тўғрисида»ги Қонуннинг, судлар, прокуратура, инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман), фермер хўжалиги, ахборотлаштириш, валютани тартибга солиш, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлисга сайлов, банкротлик, фуқароларнинг мурожаатлари, референдум, муҳофаза, ташқи иқтисодий фаолият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа бир қатор қонунларнинг янги тахрири қабул қилинди. Жами 1995 - 2004 йилларда 24 та қонун янги тахрирда қабул қилинди. 2012 йилда эса Қонунчилик палатаси томонидан 30 та қонун қабул қилинди (2011 йилда – 38 та), бу қонунларнинг 9 таси «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»га мувофиқ тайёрланган. 28 та қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди ва кучга кирди. Бунда қонунчилик ташаббуси тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан – 6 та, Вазирлар Маҳкамаси томонидан – 19 та, Бош прокурор томонидан – 2 та, бошқа қонунчилик ташаббуси субъектлари томонидан – 3 та қонун киритилди

Учинчидан, ижтимоий ҳаётнинг муҳим ва кенг қўламли соҳаларини кодекслар ёрдамида тартибга солишнинг кенгайтириши, Олий Мажлис Фуқаролик, Фуқаролик-процессуал, Хўжалик-процессуал, Ер, Оила, Ҳаво, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Уй-жой, Шахарсозлик, Меҳнат, Солиқ, Божхона кодексларини қабул қилди. Кодекслар қонун ижодкорлиги фаолиятининг энг юқори шаклларидадир. Кодекслар тайёрлаш ўта мураккаб ва кўп вақт талаб қиладиган жараёнлардир. Истиқлол йилларида жами 14 та кодекс қабул қилинди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган қонунларнинг қабул қилиниши. Истиқлолга эришганимиздан сўнг, биз учун янги бўлган ташқи сиёсат соҳасида ҳам қонунчилик изчиллик билан ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда ташқи сиёсат тўғрисида муайян қонунчилик тизими яратилди. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатия

ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш, Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатик даража ва мартабалари белгилаш, ташқи иқтисодий фаолият, халқаро шартномалар, ташқи сиёсий фаолиятнинг асосий принциплари тўғрисидаги қонунларни, Консуллик Уставини қабул қилди. Бундан ташқари, ҳар бир сессияда Ўзбекистон Республикасининг кўп ва икки томонлама шартномаларга қўшилиши масалалари кўрилмоқда. Шу муносабат билан халқаро шартномалар қоидаларини мамлакатимизда жорий қилиш механизмини ишлаб чиқиш катта амалий аҳамият касб этади. Эндиги кунда ҳар бир мансабдор шахс, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, қолаверса, ҳар бир фуқаро фақат миллий қонунларимизнигина эмас, балки Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномалар қоидаларини ҳам билишлари зарур. Шу боис ушбу 100 дан ортиқ халқаро шартномалар 7 тўпلامда ўзбек тилида чоп этилгани диққатга сазовордир.

Бешинчидан, қонунларни ишлаб чиқишда халқаро ҳуқуқни умумэътироф этган қоидалари ва демократик давлатларнинг ҳуқуқий тажрибаси атрофлича ўрганилиши ва ҳисобга олинлиши. Қонунларимизни халқаро экспертизадан ўтказиш, хорижий давлатлар мутахассисларининг фикр-мулоҳазаларини эътиборга олиш анъанага айланган.

Шундай қилиб, истиқлол йилларида Ўзбекистонда Республикасида Олий Мажлис фаолияти ва унинг қонун ижодкорлиги бу қотиб қолган жараён бўлмай, балки ривожланиб борадиган ҳақиқий ижодий жараёнга айланди.



**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
биносининг қурилиши жараёни**



**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биноси**



**Ўзбекистонда бир палатали парламент фаолиятидан фото лавхалар (1995-2004 йй.)**



**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Қонунчилик палатаси фаолиятдан фото  
лавхалар**



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

Сенат Кенгаши

Сенат Раиси

Сенат Раисининг  
Ўринбосари

Сенат Раисининг  
Ўринбосари  
(Қорақалпоғистон Республикаси вакили)

Қ Ұ М И Т А Л А Р

Бюджет ва иқтисодий  
ислохотлар  
масалалари қўмитаси

Қонунчилик ва суд-  
ҳуқуқ масалалари  
қўмитаси

Мудофаа ва  
хавфсизлик  
масалалари қўмитаси

Ташқи сиёсат  
масалалари қўмитаси

Фан, таълим,  
маданият ва спорт  
масалалари қўмитаси

Аграр, сув хўжалиги  
масалалари ва  
экология қўмитаси

Регламент ва одоб  
КОМИССИЯСИ

Сенат Девони

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Расмий ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари

1. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. –Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И.А. Ватан озодлиги – олий саодат. Асарлар, 8-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Асарлар, 10-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2002.
7. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005.
8. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Иқтисодиёт, - 2010.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг

2010 йилдаги фаолияти тўғрисида Ахборот.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисида Ахборот.

12. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1992-2014.

13. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида», Қонун (1993 йил 28 декабрь) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1994. №1. 6-модда;

14. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги 2011-ХП-сонли Қонуни (1994 йил 22 сентябрь) // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994. № 10. 250-модда.

15. Ўзбекистон Республикасининг «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимиятини ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонуни (2002 йил апрель) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002. №4-5. 60-модда;

16. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонун (2002 йил 26 декабрь) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002. №12. 215-модда.

17. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонун (2002 йил 26 декабрь) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002. №12. 213-модда.

18. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун // Халқ сўзи. 2003 йил 21 май.

19. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун (2003 йил 29 август, янги тахрир) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2003. № 9-10, 132-модда.

20. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2003. №» 9-10, 136-модда.

21. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2003. № 9-10, 137-модда.

22. Ўзбекистон Республикасининг «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 194-сонли Қонуни (2008 йил 25 декабрь) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2008. №52. 510-модда.

23. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2011 йил. №16. 160-модда.

24. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013 йил. №16. 215-модда.

## **II. Адабиётлар**

1. Jo'raev N. O'zbekistonning yangi tarixi. K.3. Mustaqil O'zbekiston tarixi. – To'ldirilgan, qayta nashr. –Т.: 2009.

2. Парламент сайлови: миллий қонунчилик ва хорижий тажриба: илмий-амалий қўлланма. –Т.: 2009.

3. Саидов А. Конституция ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси. – Т.: ТДЮИ нашр., 2005.

4. Собиров И.М. Парламент юқори палатаси – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати фаолиятининг ташкилий асослари. –Т.: Ғ.Ғулом нашр., 2011.

5. Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи (Миллий истиқлол даври). –Т.: Ўқитувчи, 2003.

6. Усмонов Қ. Ўзбекистонда парламент тараққиётининг янги босқичи. –Т.: Ғ. Ғулом номидаги нашр., 2004.

7. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Масжлисининг Сенати. –Т.: Шарқ, 2005.

8. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. –Т.: Янги аср авлоди, 2012.

9. Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат // Масъул муҳаррир А.Х. Саидов /. -Т.: Адолат, 1994.
10. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. -Т.: Шарқ, 2000.
11. Ўзбекистон тарихи: Қисқача маълумотнома // Масъул муҳаррир: Ш. Каримов /. –Т.: Шарқ, 2000.
12. Ўзбекистон тарихи // Масъул муҳаррирлар: Б. Эшов, М. Ҳайдаров/. – Т.: ЎАЖБНТ, 2003.
13. Ўзбекистон тарихи: Қисқача маълумотнома // Масъул муҳаррир: Ҳ. Бобобеков /. –Т.: Фан, 2007.
14. O'zbekiston tarixi: o'quv qo'llanma / Shamsutdinov R., Mo'minov X.; Mas'ul muharrir S. Inoyatov. –Т.: Sharq, 2013.

### **III. Internet материаллари**

1. <http://parliament.gov.uz>
2. <http://www.lex.uz>
3. <http://www.senat.uz/uz/about/index.html>
4. <http://www.uzjobs.com/guest/zakon.cgi?lan=u&section=12&id=194>